

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида Самарқанд вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 15623,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 2,9 % га ўсди.

2018 йилнинг январь-сентябрь яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4167,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,9 % га юқоридир.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Самарқанд вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

| | Млрд.сўм | | 2017 йил январь-сентябрь га нисбатан % да |
|--|--------------------------|------------------------|---|
| | 2018 йил январь-сентябрь | 2018 й январь-сентябрь | |
| I. ЯҲМ | 12842,3 | 15623,0 | 102,9 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 12564,1 | 15230,2 | 102,9 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 278,2 | 392,8 | 106,6 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 12564,1 | 15230,2 | 102,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 4106,2 | 4900,0 | 97,5 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 3016,9 | 3877,9 | 106,3 |
| саноат | 2285,0 | 2920,5 | 105,3 |
| қурилиш | 731,9 | 957,4 | 109,6 |
| Хизматлар | 5441,0 | 6452,3 | 104,9 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1206,9 | 1475,1 | 103,9 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 1312,3 | 1461,4 | 108,3 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 2921,8 | 3515,8 | 103,8 |

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат 105,3 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 19,2 %), маҳсулотларга соф солиқлар – 106,6 % (2,5 %), қурилиш – 109,6 % (6,3 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,9 % (9,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 108,3 % (9,6 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,8 % (23,0 %) ни ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 97,5 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 2,5 % ини ташкил этди.


Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 6,3 % пунктга ўсди ва 25,5 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг январь-сентябрида 42,3 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябри (43,3 %) билан таққосланганда 1,0 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 9,7 % ни (2017 й. – 9,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 9,6 % ни (10,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 23,0 % ни (23,3 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017й январь-сентябрь

2018й январь-сентябрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Самарқанд вилоят статистика бошқармаси.
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: Ш.Тошпўлатов
(71) 230-85-19